

YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

1.Loyihaning turi: Shartnoma.

2.Loyihaning nomi:

O'zbekiston Respublikasi Prezidentining 29.08.1998-yildagi "Xo'jalik yurituvchi sub'ektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi 670-I-sonli qonuni hamda 22.04.2021-yildagi "Davlat xaridlari to'g'risida"gi 684-sonli qonuni, O'zbekiston Respublikasi Prezidentining "Davlat xaridlari to'g'risidagi" qonunni amalga oshirish chora-tadbirlari to'g'risidagi 3953-sonli qaroriga asosan, bir tomondan "Pudratchi" hisoblangan "Nazarbek Doniyor Fayz" X/K shartnomada ko'rsatilgan tarzda Qurama MFY obod qishloq dasturi doirasida tungi yoritish chiroqlarini qurish ishlarini amalga oshirish va ikkinchi tomondan "Buyurtmachi" hisoblangan Mirishkor tuman obodonlashtirish boshqarmasi shartnomada belgilangan tartibda to'lovlarni amalga oshirishi haqidagi 240 000 000 so'mlik shartnoma.

3.Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot;

Mirishkor tuman obodonlashtirish boshqarmasi 2022-yil 5-avgust.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Mirishkor tuman yuridik
xizmat ko'rsatish markazi
bosh yuriskonsulti
2022-yil 5-avgust



M.Ibrohimov

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ

№- 19

2021 йил "05 08"

Кейинги ўринларда "Буюртмачи" деб юритиладиган Миришкор туман Ободонлаштириш бошқармаси устив асосида иш қўрувчи С.Шокулов бир томондан ва "Назарбек Доннёр Файз" Х/К кейинги ўринларда "Пудратчи" деб юритиладиган шизом асосида иш қўрувчи Б.Ўринов Миришкор туман Қурама МФЙ обод кишлоқ дастури доирасида тунги ёритиш чирокларини қуриш ишлари учун мазкур пудрат шартномасини туздилар.

I. ТАРИФЛАР

1. Мазкур шартномада қуйидаги тарифлар қўлланилади:
 - ижро хужжатлари** - натурада бажарилган ишлар ёки ишларни бажариш учун масъул бўлган шахслар томонидан уларга киритилган ўзгаришларнинг ушбу ишчи чизмаларга мувофиқлиги тўғрисидаги ёзувлар билан биргаликда объект қурилишига ишчи чизмалар туркуми, сертификатлар, техник паспортлар ва ўрнатилган асбоб-ускуналарнинг сифатини ва ишларни бажаришда қўлланилган материаллар, конструкциялар ва деталларнинг сифатини тасдиқловчи бошқа хужжатлар, беркитиладиган ишлар тасдиқланганлиги тўғрисидаги далолатномалар, айрим масъулиятли конструкциялар оралик даврда қабул қилиниши тўғрисидаги далолатномалар, монтаж қилинган асбоб-ускуналарнинг яқка тартибдаги синови тўғрисидаги далолатномалар, ишларни бажариш дафтарлари ҳамда қурилиш нормалари ва қондаларида назарда тутилган бошқа хужжатлар;
 - қурилиш майдони** - мазкур шартнома (контракт) доирасида барча ишларни бажариш даврида далолатнома бўйича Буюртмачи томонидан Пудратчига берилган ер участкаси. Объектнинг қурилиш майдони чегараси ажратиб қўйилади ёки бош режага мувофиқ белгиланадиган бошқа белгилар билан белгилаб қўйилади;
 - вакцинчалик нишоотлар** - Пудратчи томонидан қурилиш майдонида ўрнатиладиган ва ишларни бажариш учун зарур бўлган ҳар қандай типдаги вакцинчалик бинолар ва нишоотлар;
 - беркитиладиган ишлар** - сифати ва аниқлигини кейинги ишлар бажарилгандан кейин аниқлаш мумкин бўлмаган кейинчалик бажариладиган ишлар ва конструкциялар билан беркитиладиган ишлар;
 - шартнома нархини бўлиб чиқиш** - ишларнинг ҳар бир босқичи ва ёки турлари қийматини аниқ белгиласан ҳолда шартнома бўйича объектнинг умумий қийматини босқичларга тақсимлаш.

II. ШАРТНОМА МАВЗУСИ

2. Пудратчи мазкур шартнома шартларига лойиҳада кўзда тутилган объектни фойдаланишга тайёр ҳолда қуриш бўйича қурилиш ишларини бажариш мажбуриятини олади, Буюртмачи эса Пудратчига қурилиш ишларини бажариш учун зарур шартнолар яратиш, уларни қабул қилиш ва тўловни амалга ошириш мажбуриятини олади.

III. ШАРТНОМА БЎЙИЧА ИШЛАР ҚИЙМАТИ

3. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи томонидан бажарилган, таълов савдоси (тендер) натижасида аниқланган ва конкурс комиссиясининг қарори (2022 йил №- 127229- сон баённома) билан тасдиқланган ишлар қиймати барча солиқлар, йиғимлар ва ажратмаларни ўз ичига олган ҳолда жорий нархларда 240 000 000 сўм (Икки юз қирқ миллион) сўмини ташкил этади (сўмма ёзув билан)
4. Ишлар қиймати узиш-кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқиши мумкин эмас, қуйидаги ҳоллар бундан мустасно:
 - қурилиш қийматини қўпайтиришга ситиб бўлмайдиган куч (форс-мажор) ҳолатлари сабаб бўлганда;
 - ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартрилганда;
 - объектнинг қурилиши бир йилдан ортиққа ўзгартрилганда.
5. Қурилиш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.
6. Тегинли асослар мавжуд бўлганда, санаб ўтилган ўзгаришлар Буюртмачи билан Пудратчи ўртасидаги шартномага қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

IV. ПУДРАТЧИНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

7. Мазкур шартнома бўйича Пудратчи мазкур шартноманинг II бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун барча ишларни мазкур шартномада ҳамда унга ___ - иловага мувофиқ ишларни бажариш жадавалида назарда тутилган ҳажмда ва муддатларда ўзининг кучлари ва ёки жалб қилинган кучлар билан бажариш ҳамда ишни Буюртмачига мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш;
 - ___ - иловага мувофиқ қурилиш майдонига зарур қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникасини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омондорга жойлаш ва сақлаш;

қурилиш майдони ҳудудида вақтинчалик иншоотлар қуриш;
Буюртмачининг пудрат шартномалари тузилиши давомида субпудратчилар билан шартномалар тузилиши, шартнома мақсуи, субпудратчининг номи ва манзили тўғрисида хабардор қилиш;
қурилиш майдонида техника хавфсизлиги, ишларни бажариш вақтида атроф муҳитини, ўтказилган дарахтларни ва ер участкасини муҳофаза қилиш бўйича зарур тадбирлар бажарилишини таъминлаш, шунингдек ёритиш чироклари ўрнатиш;
қурилиш тавakkалчиликларини сугурта қилиш;
мазкур шартнома бўйича объектни фойдаланишга қабул қилиб олиш тўғрисидаги даълолатнома имзоланган кундан бошлаб бир ой мuddатда қурилиш майдонини ўзига тегишли қурилиш машиналари ва асбоб-ускуналари, транспорт воситалари, анжомлар, приборлар, инвентарлар, қурилиш материаллари, буюмлар, конструкциялар ҳамда вақтинчалик бинолардан бўшатиш;
қурилиш майдонини қўриқлашнинг таъминлаш;
мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларини тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

8. Пудратчи мазкур шартнома бўйича барча ишларнинг ўз қучлари билан ва субпудратчилар томонидан зарур тарзда бажарилиши ҳамда объектнинг фойдаланишга тайёр ҳолда топширилиши учун Буюртмачи олдида тўлиқ мулкий жавоб беради.

V. БУЮРТМАЧИННИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

9. Мазкур шартномани бажариш учун Буюртмачи:
мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб уч кун мuddатда мазкур шартномага ___ -иловага мувофиқ ишларни бажариш учун яроқли бўлган қурилиш майдонини объект қурилиши ва қурилиш тугаллангунгача бўлган даврда даълолатнома бўйича Пудратчига бериш;
ишлар бажарилиши устидан доимий архитектура-қурилиш назоратини ва мазкур шартномада қайд этилган Пудратчи томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, Пудратчидан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш;
Пудратчининг барча мурожаатларини ўн кун мuddатда қўриб чиқиш ва қарор қабул қилиш;
молиялаштириш жадвалига биноан Пудратчига ___-иловага мувофиқ аванс бериш ва жорий молиялаштиришни амалга ошириш;
мазкур шартнома имзоланган кундан бошлаб 1 ой давомида Пудратчига ишларни қабул қилиш учун зарур бўлган ижро ҳужжатлари рўйхатини тақдим этиш;
мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларини тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади;

VI. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ МУDDАТЛАРИ

10. Шартнома:
миллий валюта "сўмда" ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - томонлар уни имзолаган пайдан бошлаб;
кейинчалик ЭАВга конвертация қилган ҳолда миллий валютада "сўмда" ўзаро ҳисоб-китоб қилинганда - шартнома қонуни ҳужжатларига мувофиқ рўйхатдан ўтказилгандан кейин қучга қиради. Шартномани амал қилиш мuddати 2022 йил 31- декабргача
11. Пудратчи мазкур шартномага илова қилинадиган молиялаштириш жадвалига мувофиқ биринчи аванс тўловни тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.
12. Танлов савдолари натижаси бўйича аниқланган қурилишнинг давом этиш вақти ишлар бошланган кундан эътиборан 10 кунни ташкил этади.
13. Мазкур шартнома бўйича ишлар ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

VII. ТўЛОВЛАР ВА ҲИСОБ-КИТОБЛАР

14. Буюртмачи Пудратчига шартнома бўйича ишлар умумий жорий қийматининг 30% фонзи миқдоридан аванс ўтказиши, бу 72 000 000 сўмни ташкил этади.
15. Буюртмачи томонидан Пудратчига аванс бериш ва жорий молиялаштириш учун молиялаштириш ва ишларни бажариш жадваллари асос ҳисобланади (-илова).
16. Жорий молиялаштириш бажарилган ишлар сифати текширилгандан кейин, берилган авансни ҳисобга олган ҳолда, ишларни бажариш ва молиялаштириш жадвалларига мувофиқ объектнинг умумий шартномавий жорий қийматининг 50 фонзигача доирасида амалга оширилади.
17. Объектнинг шартномавий жорий қийматининг қолган 50 фонзи учун Буюртмачи ва Пудратчи ўртасидаги уziel-кесил ҳисоб-китоб қурилиш тугаллангандан кейин ва объект қабул комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилингандан кейин икки босқичда;
объект қабул комиссияси томонидан қабул қилинган кундан бошлаб бир ой мобайнида - ишлар қийматининг қамиди 45 фонзи миқдорида;
мазкур шартномада белгиланган кафолатли мuddат тамом бўлгандан кейин - ишлар қийматининг 5 фонзигача миқдорида, бироқ молия йили тугамасдан амалга оширилади.
18. Пудратчи объект фойдаланишга топширилгунга қадар мазкур шартнома бўйича объектга мулк ҳуқуқини ўзида сақлаб қолади. Объект Буюртмачига топширилгунга қадар объектнинг тасодифий йўқ қилиниши ва шикастланиши хавфи Пудратчининг зиммасида бўлади.
19. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича ўз зиммасига қабул қилган мажбуриятларини шартнома қучга кирган кундан бошлаб ўттиз кун мобайнида бажармаган тақдирда, Пудратчи бу ҳақда қонуни ҳужжатларида белгиланган тартибда Буюртмачининг ёзма равишда хабардор қилган ҳолда, шартномага ўзгартиришлар киритиш ёки шартномани бир томонлама тартибда бекор қилиш ҳуқуқига эгадир. Бунида Буюртмачи Пудратчи томонидан бажарилган ишлар учун ҳақ тўлашдан сўзд қилинмайди.

VIII. ИШЛАРНИ БАЖАРИШ

20. Буюртмачи қурилиш майдонида ўз вақилини - техник аудиторни тайинлайди, у Буюртмачининг номидан бажарилаётган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек Пудратчи томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб-ускуналарнинг шартнома шартларига ва иш ҳужжатларига мувофиқлигини текширади.
21. Техник аудитор ишлар бажарилишининг ва шартноманинг бутун даври мобайнида ишларнинг барча турлари билан тўсиқсиз танишиш ҳуқуқига эгадир.
22. Пудратчи техник аудиторни ишлаш учун жой билан таъминлайди. Техник аудитор Пудратчи томонидан ўтказиладиган қурилиш майдонида ишларни амалга ошириш чоғида пайдо бўлувчи масалаларни ҳал қилиш бўйича йиғилишларда мунтазам равишда қатнашади.
23. Пудратчи ишларни бажариш лойиҳасига ва мазкур шартноманинг VI бўлимида кўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режаси ва жадвалига биноан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.
24. Пудратчи объектда ишларни олиб бориш тартибини давлат архитектура-қурилиш назорати органлари билан келишади ва унга ривож этилиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб беради.
25. Қурилиш майдонида умумий тартибни таъминлаш Пудратчининг вазифаси ҳисобланади.
26. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги даълолатнома билан бир вақтда Пудратчига ортқича тупроқ ва қурилиш ахлатини жойлаштириш ва етишмаётган тупроқни қазиб олиш учун жой ажратиш тўғрисидаги ҳужжатларни беради.
27. Буюртмачи қурилиш майдонини бериш тўғрисидаги даълолатнома имзоланган кундан бошлаб уч кун муддатда қурилиш майдонини белгилаш бўйича ишларни бажариш ва объектни привязка қилиш учун Пудратчига геодезия нукталари, уларнинг координатлари ва баландлик белгиларини тақдим этади.
28. Пудратчи геодезия нукталарига, линиялар ва даражаларга нисбатан объектнинг тўғри ва зарур тарзда белгиланиши, шунингдек баландлик белгилари, улчамлари ва бўлиш ўқларининг мувофиқлиги тўғри жойлашганлиги учун жавоб беради.
Агар ишларни бажариш жараёнида амалга оширилган бўлиш ва геодезия ишларида хатолар аниқланса, Пудратчи Буюртмачи билан келишган ҳолда тегишли тузатишларни ўз ҳисобидан киритиши.
29. Пудратчи геодезия бўлиш ишларида ўрнатиладиган координатлар ва баландликлар, геодезия белгиларининг жойлашган схемалари ва жадвалларини сақлайди, ишларни бажариш даврида ва улар тугаллангандан кейин уларни даълолатнома бўйича Буюртмачига беради.
30. Қурилиш майдонида ишларни бажариш даврида коммуникацияларни вақтинча улашни ва улаш нукталарида янгидан қурилган коммуникацияларни улашни Пудратчи амалга оширади.
31. Пудратчи ўзи томонидан қурилишда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати лойиҳа ҳужжатларида кўрсатилган спецификацияларга, давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларнинг сифатини тасдиқловчи тегишли сертификатларга, техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини қафолатлайди.
32. Алоҳида масъулиятли конструкциялар ва беркитиладиган ишлар тайёр бўлишига қараб уларни қабул қилиш бошлангандан 2 кун олдин Пудратчи Буюртмачини ва "Давархитектуручилиш назорат" инспекциясини ёзма равишда хабардор қилади.
33. Қабул қилинадиган конструкциялар ва ишларнинг тайёрлиги Буюртмачи ва Пудратчи томонидан масъул конструкцияларни оралик қабул қилиш даълолатномалари ҳамда уларнинг "Давархитектуручилиш назорат" инспекцияси билан келишган шартларида беркитиладиган ишлар текшируви даълолатномалари билан тасдиқланади.
34. Пудратчи Буюртмачининг ишларни бажариш дафтарига киритилган ёзма рухсатномасидан кейингига кейинги ишларни бажаришга киришади.
35. Агар беркитиладиган ишлар Буюртмачининг тасдиқсиз бажарилган бўлса ёки у бу ҳақда хабардор қилинмаган бўлса, ёки кечикиб хабардор қилинган бўлса, у ҳолда унинг талаби бўйича Пудратчи Буюртмачининг кўрсатмасига мувофиқ беркитиладиган ишларнинг исталган қисmini ўз ҳисобидан очишга, сўнгра эса уни тиклашга мажбурдир.
Пудратчи Буюртмачининг манфаатларига жиддий таъсир қилмайдиган иш ҳужжатларидан майда четга чиқишларни Буюртмачининг розилигисиз амалга оширса, у агар буларнинг қурилиш сифатига таъсир этмаганлигини исботласа жавобгар ҳисобланмайди.
36. Агар Буюртмачи Пудратчи ва (ёки) унинг субпудратчилари томонидан ишларнинг сифатсиз бажарилганлигини аниқласа, у ҳолда Пудратчи ўз кучлари билан ва қурилиш қийматини қўпайтирмасдан ушбу ишларни уларнинг зарур сифатини таъминлаш учун келишилган муддатда қайта бажаришга мажбурдир, ушбу шартнома 34-бандининг иккинчи хат бошида кўрсатилган ҳоллар бундан мустасно.
Агар Пудратчи сифатсиз бажарилган ишларни келишилган муддатларда тузата олмаса, Пудратчи уларни тузатишнинг кечикиши оқибатида етказилган зарарларни Буюртмачига тўлайди.
37. Пудратчи қурилиш майдонини ва унга туташ кўча полосасини, шу жумладан йўл участкалари ва йўлақларни суғуртиб-сидиради ва озода сақлайди, қурилиш даврида майдондан қурилиш ахлатини Буюртмачи томонидан кўрсатилган жойга чиқариб ташлайди.
38. Ишлар бошланган пайтдан бошлаб улар тугаллангунгача Пудратчи ишларни бажариш дафтари юротади. Дафтарда бутун ишларнинг бориши, Буюртмачи ва Пудратчининг ўзаро муносабатларида аҳамиятга эга бўлган ҳоллар ва ҳолатлар (ишларнинг бошланиши ва тамом бўлиши санаси, материаллар, асбоб-ускуналар берилиши, хизматлар кўрсатилиши санаси, ишларнинг қабул қилиб олинishi, ўтказилган синовлар, материаллар ўз вақтида етказиб берилмаслиги билан боғлиқ тўхтаб қолишлар, қурилиш техникасининг ишдан чиқиши тўғрисидаги маълумотлар, шунингдек қурилиш тугаллашнинг узил-кесил муддатига таъсир қилиши мумкин бўлган барча маълумотлар) ақс эттирилади.
Агар Буюртмачи ишларнинг бориши ва сифатидан ёки Пудратчининг қайдларидан қониқмаса, у ҳолда ишларни бажариш дафтарида ўз фикрини баён қилади.

Пудратчи дафтарда Буюртмачи томонидан асосли равишда кўрсатилган камчиликларни 3 кун муддатда бартараф этиш чоратадбирларини кўриш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

IX. ИШЛАРНИ КЎРИҚЛАШ

39. Пудратчи ишлар бошланишидан қурилиш тугаллангунгача ва қурилиш тугалланган объект Буюртмачи томонидан қабул қилиб олингунга қадар четлари тўсилган қурилиш майдони ҳудудида материаллар, асбоб-ускуналар, қурилиш техникаси ва бошқа мол-мулк зарур даражада кўриқланишини таъминлайди.

40. Тикланган бинолар ва иморатлар, шунингдек материаллар, асбоб-ускуналар ва бошқа мол-мулк объект қабул қилиб олинганидан кейин сақланиши учун Буюртмачи жавоб беради.

X. ЕНГИБ БЎЛМАЙДИГАН КУЧ (ФОРС-МАЖОР) ҲОЛАТЛАРИ

41. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар бу ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига беvosита таъсир этса, томонлар бундай қисман ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал қилган, шунингдек ушбу ҳолатлар юзга келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

42. Агар енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақтга мўъалла, у ҳолда Пудратчи ва Буюртмачи ишларни давом эттириш ёки уларни консервация қилиш учун қандай чоралар қўрилишини муҳокама қилдилар.

43. Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартнома бекор қилинишини талаб қилишга ҳақлидир.

XI. ҚУРИЛИШНИ ТУГАЛЛАНГАН ОБЪЕКТНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ ОЛИШ

44. Қурилиш тугалланган объектни қабул қилиб олиш шартномани имзолаш санасида амалда бўлган белгиланган тартибга мувофиқ мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятлар томонлар тарафидан бажарилгандан кейин, шунингдек қурилиш тугалланган объектларни фойдаланишга қабул қилиб олишнинг белгиланган кондаларига биноан амалга оширилади.

45. Объектлар уларнинг фойдаланишга тайёрлиги тўғрисида Пудратчининг ёзма бидиришномаси Буюртмачи томонидан олинган кундан бошлаб 10 кун мобайнида қабул қилиб олинади.

46. Пудратчи қурилиш тугалланган объектни қабул қилиб олиш бошланишидан 5 кун олдин мазкур шартноманинг V бўлимига мувофиқ Буюртмачига Буюртмачи томонидан белгиланган таркибда икки нусxada иккун хужжатларини беради. Пудратчи Буюртмачига ушбу хужжатлар тўплами амалда бажарилган ишларга тўлиқ мос келишини ёзма равишда тасдиқлаш керак.

47. Қабул қилиб олинган пайтдан бошлаб объект Буюртмачининг мулкига айланади.

XII. КАФОЛАТЛАР

48. Пудратчи: барча ишлар тўлиқ ҳажмда ва мазкур шартнома шартларида белгиланган муддатларда бажарилишини; лойиҳа хужжатларига ҳамда қурилиш меъёрлари, кондалари ва техник шартларига мувофиқ барча ишларни бажариш сифатини;

ўзи томонидан қурилиш учун қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб-ускуналар ва бутловчи буюмлар, конструкция ва тизимлар сифатини, уларнинг лойиҳа хужжатларида кўрсатилган сертификацияларга, давлат стандартларига ҳамда техник шартларга мувофиқлигини;

ишларни қабул қилиш ва объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланган камчиликлар ва нуқсонларни ўз вақтида бартараф қилишини;

объектдан фойдаланилганда муҳандислик тизимлари ва ускуналарнинг фойдаланиш кондаларига мувофиқлигини кафолатлайди.

49. Объект ва унга қирадиган муҳандислик тизимлари, асбоб-ускуналар, материаллардан фойдаланиш ва ишларнинг кафолатли муддати томонлар қурилиш тугалланган объектни қабул қилиб олиш тўғрисидаги далолатномани имзолаган кундан бошлаб камидан 10 ой этиб белгиланади. Объект томининг кафолатли муддати камидан 3 ой этиб белгиланади.

50. Агар объектдан фойдаланишнинг кафолатли даврида аниқланиб, улар бартараф этилгунга қадар фойдаланишнинг давом эттириш имконини бермайдиган нуқсонлар аниқланса, у ҳолда кафолат муддати нуқсонларни бартараф этиш даврига узайтирилади. Нуқсонлар Пудратчи томонидан унинг ўз ҳисобидан бартараф этилади.

Мажбур нуқсонлар ва уларни бартараф этиш муддатлари Пудратчи ва Буюртмачининг икки томонлама далолатномасида қайд этилади.

Агар Пудратчи бажарилган ишлардаги нуқсонлар ва чала ишларни, жумладан ускуналарнинг камчиликларини далолатномада кўрсатилган муддат ичида бартараф этмаса, у ҳолда Буюртмачи мазкур шартноманинг VII бўлимида назарда тутилган кафолат суммасини Пудратчидан ушлаб қолиш ҳуқуқига эга.

51. Пудратчи нуқсонлар ва чала ишлар кўрсатилган далолатномани тузишдан ёки имзолашдан бош тортиган тақдирда, уларни текшириб чиқиш "Давархитектуралишазорат" органлари томонидан амалга оширилади, бу томонларнинг ушбу масала бўйича ҳужжатлик судига мурожаат қилишини истисно этмайди.

XIII. ШАРТНОМАНИ БЕКОР ҚИЛИШИ

52. Буюртмачи:

шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши Буюртмачига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Пудратчи томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;
ишларни тугатишнинг мазкур шартномада белгиланган муддати Пудратчининг айби билан бир ойдан ортиқ муддатга кўпайган ҳолда, Пудратчи томонидан ишларни бажариш жадвалига риоя этилмаганда;
Пудратчи томонидан шартнома шартлари қурилиш меъёрлари ва қондаларида назарда тутилган ишларнинг сифати пасайишига олиб келадиган даражада бузилганда;
қонуи ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

53. Пудратчи:
ишларнинг бажарилиши Пудратчига боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра Буюртмачи томонидан бир ойдан ортиқ муддатга тўхтатиб қўйилганда;
Буюртмачи томонидан молиялаштириш шартлари бажарилмаганда;
қонуи ҳужжатларига мувофиқ бошқа асослар бўйича шартноманинг бекор қилинишини талаб қилиш ҳуқуқига эга.

54. Шартнома бекор қилинганда Буюртмачи ва Пудратчининг қўшма қарорига кўра тугалланмаган қурилиш бир ой муддатда Буюртмачига берилган, Буюртмачи бажарилган ишлар қийматини Пудратчига тўлайди.

55. Мазкур шартномани бекор қилишга қарор қилган томон мазкур бўлим қондасига мувофиқ иккинчи томонга ёзма билдиришнома юборади.

56. Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарини, шу жумладан бой берилган фойдани тўлайди.

57. Шартноманинг бир томонлама бекор қилинишига йўл қўйилмайдан, қонуи ҳужжатларида ёки мазкур шартномада назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

XIV. ТОМОНЛАРИНИНГ МУЛКНЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

58. Томонлардан бири шартнома мажбуриятларини бажармаган ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказилган зарарларни қоплайди.
Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексинда, "Ҳужжатлик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида, бошқа қонуи ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда бошқача жавобгарликка тортилади.

59. Мазкур шартномага тегишли иловаларда кўрсатилган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачи Пудратчига кечиктирилган ҳар кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар қийматининг 100 фоизидан ошмаслиги лозим.
Пеня тўлаиши Буюртмачини шартнома шартлари бузилиши туфайли етказилган зарарини қоплашдан озод қилмайди.

60. Шартномага мувофиқ бажарилган ишлар ҳажминини тасдиқлашдан асосини равишда бош тортганлиги учун Буюртмачи Пудратчига ўзи тасдиқлашни рад этган ёки бош тортган сумманинг 0,5 фоизи миқдорига жарима тўлайди.

61. Пудратчи объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун Буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорига пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 100 фоизидан ошмаслиги лозим.

Буюртмачи томонидан топилга нусхонлар ва қачиликлар ўз вақтида бартараф этилмагани учун Пудратчи буюртмачига муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 0,5 фоизи миқдорига пеня тўлайди, бунда пенянинг умумий суммаси сифатсиз бажарилган ишлар қийматининг 100 фоизидан ошмаслиги керак.

Пеня тўлаш Пудратчини ишларни бажаришнинг ёки хизматлар кўрсатишнинг кечиктириш туфайли етказилган зарарларини қоплашдан озод қилмайди.

62. Агар бажарилган ишлар сифати белгиланган стандартларга, қурилиш меъёрлари ва қондаларига, иш ҳужжатларига мувофиқ бўлмаса, у ҳолда Буюртмачи "Давархитекстурилиш назорат" инспекциясининг ҳудудаси асосида объектни қабул қилиш ва унинг учун ҳақ тўлашдан бош тортиши, шунингдек Пудратчидан сифати зарур даражада бўлмаган ишлар қийматининг 0,5 фоизи миқдорига жарима ундириш ҳуқуқига эга.

63. Шартнома бўйича мажбуриятлар бажарилмаганлиги учун мазкур моддада назарда тутилган жазолардан ташқари шартномани бузган томон иккинчи томонга бошқа томон тарафидан қилинган ҳаракатларда, мол-мулкнинг йўқотилиши ёки шикастланишида, шу жумладан бой берилган фойдала ифодаланмаган пеня билан қопланмаган зарарларни қоплайди.

64. Муддат ўтказиб юборилганлиги ёки мажбуриятларнинг бошқача тарзда зарур даражада бажарилмаганлиги учун пеня тўлаш томонларни ушбу мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

65. Товарларни етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, тўлиқ етказиб берилмаган, ишлар бажарилмаган ёки хизматлар кўрсатилмаган ҳолларда, товар етказиб берувчи (пудратчи) сотиб олувчига (буюртмачига) кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбурият бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи миқдорига пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган товарлар, бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматлар баҳосининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим. Пеняни тўлаш шартнома мажбуриятларини бузган тарафни товарларни етказиб бериш муддатларини кечиктириб юбориш, тўлиқ етказиб бермаслик, ишларни бажармаслик ёки хизматларни кўрсатмаслик оқибатида етказилган зарарни қоплашдан озод этмайди.

66. Агар етказиб берилган товарлар, бажарилган ишлар ёки кўрсатилган хизматлар сифати, ассортиментини ва нави бўйича стандартлар, техник шартлар, намуналарга (эталонларга) қонуиликда ёки кўжалик шартномасида белгиланган бошқа мажбурий шартларга мос келмаса, сотиб олувчи (буюртмачи) товарларни (ишларни, хизматларни) қабул қилиш ҳамда уларнинг ҳақини тўлашни рад этиб, етказиб берувчидан (пудратчидан) сифати, ассортиментини ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар (ишлар ва хизматлар) қийматининг 20 фоизи миқдорига жарима ундириб олишга, агар товарлар (ишлар ва хизматлар) ҳақи тўлаб қўйилган бўлса, тўланган суммани белгиланган тартибда қайтаришни талаб қилишга ҳақлидир. Сифати, ассортиментини ва нави лозим даражада бўлмаган товарлар (ишлар, хизматлар) етказиб берганлик учун жарима етказиб берувчидан (пудратчидан) акцептсиз тартибда ундириб олинади.

XV. НИЗОЛАРНИ ХАЛ ЭТИНИ ТАРТИБИ

67. Шартнома бажаришда ва бекор қилишда шунингдек etказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган масалаларни томонлар хал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иккитомонли суди томонидан кўриб чиқилади.

XVII. АЛОҲИДА ШАРТЛАР

68. Мазкур шартнома имзолангандан кейин, мазкур шартномага тегишли бўлган томонлар Уртасидаги барча олдинги ва оғзаки битимлар, ёзишмалар, томонларнинг ўзаро келишувлари ўз кучини йўқотади.

69. Пудратчи қурилиш объектга ёки унинг алоҳида қисмларига тегишли иш ҳужжатларини Буюртмачининг ёзма рухсати, субпудратчилардан ташқари, биров-бир учинчи томонга сотиш ёки бериш ҳуқуқига эга бўлмайди.

70. Мазкур шартномага барча ўзгартириш ва қўшимчалар, агар улар ёзма шаклда расмийлаштирилган ва томонлар уларни имзолашган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

71. Буюртмачи билан Пудратчи Уртасидаги мазкур шартномадан келиб чиқмайдиган янги мажбуриятлар пайдо бўлишига олиб келадиган ҳар қандай ахдлашувни томонлар мазкур шартномага қўшимчалар ёки ўзгартиришлар шаклида ёзма равишда тасдиқлаши керак.

72. Агар Пудратчи шартнома бўйича ишлар якунлангандан кейин қурилиш майдонини ўзига тегишли мол-мулкни қолдирса, у ҳолда Буюртмачи Пудратчи қурилиш майдонини озод қилиш санасигача бажарилган ишлар учун унга ҳақ тўлашни кечиктиришга ҳақлидир.

73. Мазкур шартномада назарда тутилмаган бошқа барча ҳоллар учун амалдаги қонун ҳужжатлари нормалари қўлланилади.

74. Бош пудратчи ёрдамчи пудратчига 04% гача устама олиши мумкин.

75. Мазкур шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган 3 нусxada тузилди.

XVII. ТОМОНЛАРНИНГ БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ ВА ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ:

Буюртмачи:

Миришкор туман хокимлиги
Ободлаштириш бошқармаси.
Манзил: Янги миришкор шаҳарчаси.
тел: факс.652-18-19
ШХВ:
401722860102337065200110012
ИНН: 207095441

ОКОНХ: 97600

Молия вазирлиги газначилик ягона газна
ҳисоб вараги.

Х/Р: 23402000300100001010

Банк номи: Тошкент Марказий банки ХККМ

МФО: 00014. ИНН: 201122919

Рахбар:

(имзо)

С.Шокулов

Пудратчи:

“Назарбек Дониёр Файз” Х/К

Манзил: *Миришкор туман*

Телефон: *997065647*

Х/Р: *20208000604951226001*

Банк номи: *Тошкент қурилиш банк*

МФО: *01037* ИНН: *301751840*

ОКОНХ: *6110*



Рахбар

М.У.

ИМЗО.

Б.Ўринов

Korrupsiyaga qarshi qoidalarining ASOSIY SHARTLARI

1. Tomonlar shartnoma bo'yicha o'z majburiyatlarini bajarayotganda O'zbekiston Respublikasining korrupsiyaga qarshi kurashish to'g'risidagi qonun hujjatlarining talablariga zid keladigan har qanday harakatlarni amalga oshirmaydilar, shu jumladan pora, ya'ni Mirishkor tuman obodonlashtirish boshqarmasi xodimi o'z xizmat majburiyatlaridan foydalangan holda pora bergan shaxsning manfaatlarini ko'zlab muayyan harakatlarni sodir etishi yoki sodir etmasligi shartligi yohud mumkinligi uchun moddiy qimmatliklarni yoki mulkiy naf olish uchun quyidagi harakatlarni qilmaydi:

pora berishni taklif qilish yoki va'da berish;

tovlamachilik qilish;

pora sifatida pul to'lash;

bevosita yoki bilvosita pora olishga rozilik berish.

Tomonlar ushbu harakatlarga yo'l qo'ymaslik bo'yicha choralar ko'rilishiga kafolat beradi.

2. Agar shartnoma bo'yicha bir Tomon Mirishkor tuman obodonlashtirish boshqarmasi xodimining axloqqa to'g'ri kelmaydigan va ushbu shartnoma yoki O'zbekiston Respublikasi qonunchilik hujjatlariga zid keladigan xatti-harakatlariga, shu jumladan, korrupsiyaga oid huquqbuzarlik sodir etishga majburlashdan iborat bo'lgan faktlarga duch kelsa, bu haqda quyidagi aloqa kanallaridan biri orqali xabardor qilishi kerak:

korrupsiya haqida xabar berishga mo'ljallangan ishonch telefoni;

Mirishkor tuman obodonlashtirish boshqarmasi

rasmiyveb-saytidajoylashtirilganshaklyokielektronpochta.

TOMONLAR:



“Nazarpay Donyo Fayz” X/K

Bajaruvchi

B. Xudoyev
(F.I.O.)

(imzo)



Mirishkor tuman obodonlashtirish boshqarmasi
(davlat organi yoki takshlotining lavozimi)

S. Shoqulov
(F.I.O.)

Протокол закупочной комиссии по конкурсу лот № 127229 на приобретение Миришкор тумани Курама МФЙ обод кишлок дастури доирасида тунги ёритиш чирокларини куриш

Способ проведения электронный

Дата 02.08.2022

Время рассмотрения 02.08.2022 00:33

Конкурсная комиссия Миришкор туман Ободонлаштириш бошкармаси, (Далее – Комиссия) в составе:

Председатель комиссии	SHOQULOV SARDOR BAHODIROVICH	Рахбар	Миришкор тумани Ободонлаштириш Бошкармаси
Секретарь комиссии	KENJAYEV NIZOMJON JO'RAQULOVICH	Бош хисобчи	Миришкор тумани Ободонлаштириш Бошкармаси
Член комиссии	OCHILOV YOQUBJON YUSUFOVICH	Иктисодчи	Миришкор тумани Ободонлаштириш Бошкармаси
Член комиссии	QURBONOV MEHRIDDIN SHERMATOVICH	КУБ	Миришкор тумани ободонлаштириш бошкармаси
Член комиссии	CHORIQULOV AKRAM SHODMONQULOVICH	Хужалик мудир	Миришкор тумани Ободонлаштириш Бошкармаси
Член комиссии	ESHONQULOV NAJMIDDIN TOLLIYEVICH	Комиссия аъзоси	Миришкор туман Ободонлаштириш бошкармаси

Рассмотрев поступивших предложений со стороны участников по опубликованному объявлению на специальном информационном портале от 02.08.2022 года № лота 127229.

Метод оценки предложений – Бальный метод (Весовой коэф.технико-квалификационной части: 70.00 / Весовой коэф. ценовой части: 30.00)

Мин. балл: 30

Предмет закупки:

Наименование товара (работы, услуги)	Услуги по капитальному ремонту сооружений
Подробное описание	Миришкор тумани Курама МФЙ обод кишлок дастури доирасида тунги ёритиш чирокларини куриш
Количество товара	1.00
Единица измерения	
Цена товара (услуги) за единицу	249 496 738.00
Стартовая сумма	249 496 738.00
Валюта	UZS

По итогам рассмотрения поступивших предложений по технической части участникам присвоены следующие баллы:

Критерий №1 Утган даврда шунга ухшаш ишларни бажарганлиги тугрисида маълумотлар

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
YOMG'IRCHIYEV OYBEK MCHJ	20	bor	15	Экспертная		
OOO QASHQADARYO TEXNO GRAND INVEST	20	Утган даврда шунга ухшаш ишларни бажарганлиги тугрисида маълумотлар	15	Экспертная		
NASAF BUYUK DIYOR MCHJ	20	245754286	20	Экспертная		
QILICHBEK PLYUS OG' ABEK MCHJ	20	Хужжатлар электрон тартибда илова килинади	10	Экспертная		
MO'JIZAVIY QURUVCHI XK	20	224550000	10	Экспертная		
DAVRON-FAYZ INVEST MCHJ	20	Маълумот юкланди	10	Экспертная		
ЧП NAZARBЕК DONYOR FAYZ	20	240000000	20	Экспертная		
KASBI ELEKTROMONTAJCHI XK	20	Буюртмачи тавсифига кўра	15	Экспертная		

Критерий №2 Ташкилот гувоҳномаси ҳамда раҳбар паспорт нусхаси

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
YOMG'IRCHIYEV OYBEK MCHJ	20	bor	20	Экспертная		
OOO QASHQADARYO TEXNO GRAND INVEST	20	Ташкилот гувоҳномаси ҳамда раҳбар паспорт нусхаси	20	Экспертная		
NASAF BUYUK DIYOR MCHJ	20	245754286	20	Экспертная		
QILICHBEK PLYUS OG' ABEK MCHJ	20	Хужжатлар электрон тартибда илова килинади	10	Экспертная		
MO'JIZAVIY QURUVCHI XK	20	224550000	10	Экспертная		
DAVRON-FAYZ INVEST MCHJ	20	Маълумот Мавжуд	10	Экспертная		
ЧП NAZARBЕК	20	240000000	20	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
DONYOR FAYZ						
KASBI ELEKTROMONTAJCHI XK	20	Ташкилот гувоҳномаси ҳамда раҳбар паспорт нусхаси	15	Экспертная		

Критерий №3 Машина ва механизлари тугрисида маълумотнома

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
YOMG'IRCHIYEV OYBEK MCHJ	20	boғ	10	Экспертная		
OOO QASHQADARYO TEXNO GRAND INVEST	20	Машина ва механизлари тугрисида маълумотнома	10	Экспертная		
NASAF BUYUK DIYOR MCHJ	20	245754286	10	Экспертная		
QILICHBEK PLYUS OG'ABEK MCHJ	20	Хужжатлар электрон тартибда илова килинади	10	Экспертная		
MO'LIZAVIY QURUVCHI XK	20	224550000	10	Экспертная		
DAVRON-FAYZ INVEST MCHJ	20	Маълумот юкланди	10	Экспертная		
ЧП NAZARBЕК DONYOR FAYZ	20	240000000	20	Экспертная		
KASBI ELEKTROMONTAJCHI XK	20	Машина ва механизлари тугрисида маълумотнома	10	Экспертная		

Критерий №4 Банк ва солиқдан қарздорлиги йуклиги тугрисида маълумотнома

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
YOMG'IRCHIYEV OYBEK MCHJ	20	boғ	15	Экспертная		
OOO QASHQADARYO TEXNO GRAND INVEST	20	Банк ва солиқдан қарздорлиги йуклиги	15	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
		тугрисида маълумотнома				
NASAF BUYUK DIYOR MЧЖ	20	245754286	20	Экспертная		
QILICHBEK PLYUS OG' ABEK MЧЖ	20	Хужжатлар электрон тартибда илова килинади	10	Экспертная		
MO'JIZAVIY QURUVCHI XK	20	224550000	10	Экспертная		
DAVRON-FAYZ INVEST MЧЖ	20	Маълумот юкланди	10	Экспертная		
ЧП NAZARBЕК DONYOR FAYZ	20	240000000	20	Экспертная		
KASBI ELEKTROMONTAJCHI XK	20	Банк ва солиқдан қарздорлиги йуклиги тугрисида маълумотнома	15	Экспертная		

Критерий №5 Малакали мутахасислар руйхати камида 20 та малумотнома

Тип: Текстовое значение

Описание:

Обязательность: Критично

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
YOMG'IRCHIYEV OYBEK MCHJ	20	bor	10	Экспертная		
OOO QASHQADARYO TEXNO GRAND INVEST	20	Малакали мутахасислар руйхати камида 20 та малумотнома	0	Экспертная	Дисквалифицирован	ишчи ходимлар электрон имзоланмаган
NASAF BUYUK DIYOR MЧЖ	20	245754286	15	Экспертная		
QILICHBEK PLYUS OG' ABEK MЧЖ	20	Хужжатлар электрон тартибда илова килинади	10	Экспертная		
MO'JIZAVIY QURUVCHI XK	20	224550000	0	Экспертная	Дисквалифицирован	ишчилар электрон тасдиқланмаган
DAVRON-FAYZ INVEST MЧЖ	20	Маълумот юкланди	0	Экспертная	Дисквалифицирован	ишчи ходимлар электрон имзо оркали тасдиқланмаган
ЧП NAZARBЕК DONYOR FAYZ	20	240000000	20	Экспертная		

Наименование участника	Макс балл	Значение участника	Балл участника	Тип оценки	Примечание	Причина
KASBI ELEKTROMONTAJCHI XK	20	Малакали мутахасислар руйхати камида 20 та малумотнома	0	Экспертная	Дисквалифицирован	Ишчилар хакида маълумот электрон имзо билан тасдиқланмаган

Оценка участников финансовой части составила:

Наименование участника	Стартовая сумма	Предлагаемая сумма	Сумма с учетом конвертации (UZS)	Применение преференции	Общее значение (UZS)	Дата предложения	Оценка стоимости (балл)
QILICHBEK PLYUS OG' ABEK MЧЖ	249 496 738.00	240 000 000.00 UZS	240 000 000.00	00.00	240 000 000.00	30.07.2022 10:41:43	30.00
YOMG'IRCHIYEV OYBEK MCHJ	249 496 738.00	247 496 738.00 UZS	247 496 738.00	00.00	247 496 738.00	29.07.2022 10:33:09	29.09
ЧП NAZARBЕК DON'YOR FAYZ	249 496 738.00	240 000 000.00 UZS	240 000 000.00	00.00	240 000 000.00	01.08.2022 15:56:21	30.00
NASAF BUYUK DIYOR MЧЖ	249 496 738.00	245 754 286.00 UZS	245 754 286.00	00.00	245 754 286.00	29.07.2022 19:34:47	29.30

Заказчик вправе применить преференцию в отношении отечественных производителей

Итоговая оценка участников включая финансовой части составила:

Наименование участника	Общий балл по технической части	Общий балл по финансовой части	Итоговый балл
DAVRON-FAYZ INVEST MЧЖ	Не прошел	Не прошел	Не прошел
ООО QASHQADARYO TEXNO GRAND INVEST	Не прошел	Не прошел	Не прошел
MO'JIZAVIY QURUVCHI XK	Не прошел	Не прошел	Не прошел
KASBI ELEKTROMONTAJCHI XK	Не прошел	Не прошел	Не прошел
QILICHBEK PLYUS OG' ABEK MЧЖ	35	30	65
YOMG'IRCHIYEV OYBEK MCHJ	49	29.09	78.09
ЧП NAZARBЕК DON'YOR FAYZ	70	30	100
NASAF BUYUK DIYOR MЧЖ	59.5	29.3	88.8

Закупочная комиссия по конкурсу лот № 127229 от 02.08.2022 года на приобретение Миришкор тумани Курама МФЙ обод кишлок дастури доирасида тунги ёритиш чирокларини куриш определила победителем:

ЧП NAZARBЕК DON'YOR FAYZ
301751845

и резервный исполнитель: NASAF BUYUK DIYOR MЧЖ (305439445)

Проголосовали

Комиссия	Ф.И.О.	Голосование	Комментарии
Председатель комиссии	SHOQULOV SARDOR BAHODIROVICH	Согласен	
Член комиссии	ESHONQULOV NAJMIDDIN TOLLIYEVICH	Согласен	
Член комиссии	CHORIQULOV AKRAM SHODMONQULOVICH	Согласен	
Член комиссии	OCHILOV YOQUBJON YUSUFOVICH	Согласен	
Член комиссии	QURBONOV MEHRIDDIN SHERMATOVICH	Согласен	

Протокол закупочной комиссии подписан посредством ЭЦП